

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ» САММИТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 октябрь куни Остона шаҳрида «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммитида иштирок этди.



Тадбирда Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Хожамират Гедимиратов ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, сиёсий мулоқотни ривожлантириш, ҳудудлараро алоқаларни кенгайтириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва маданий-гуманитар алмашинуви-ни фаоллаштириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида янги Ўзбекистондаги ортга қайтмас тус олган ислохотларнинг асосий устувор вазифаси самарали фаолият кўрсатадиган бозор механизмларига, юқори ҳаёт даражаси ва қулай турмуш шароитларига эга кучли ҳуқуқий давлатни барпо этишдан иборат эканини таъкидлади.

— Биз эришган муваффақиятларимиз билан чеklangмаймиз ва янги ўзгаришлар кўламини янада кенгайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу ўринда гап, аввало, қонуннинг сўзсиз устуворлиги, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликни, сўз ва эътиқод эркинлигини таъминлаш ҳақида бормоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Иқтисодий соҳада бундан буён ҳам тадбиркорлар учун энг қулай шароитларни яратиш, коррупцияга қарши мурасасиз курашиш, рақобат ва инновацион бизнес муҳитининг ривожланишини рағбатлантириш давом эттирилади.

Яхши кўшничилик ва минтақавий шерикликни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит вужудга келди. Бир неча ўн йиллар мобайнида йиғилиб қолган, ҳал этилишига ҳеч ким ишонмай қўйган кўплаб муаммолар бир неча йил давомида бар-тараф этилди».

Бугун вазият тубдан ўзгарди. Визасиз режим жорий қилинди, барча ўтказиш пунктлари очилди. Авиакатновлар ва ер транспортида ташишлар кўпайди.

Кооперация алоқалари кучайиб бормоқда, йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестиция компаниялари ва бошқа молиявий воситалар фаолияти йўлга қўйилди.

— Албатта, минтақада ҳали ҳам ўз ечимини топмаган масалалар бор. Бироқ ишончимиз комилки, бизнинг кучли сиёсий иродамиз ва умумий бунёдкорлик руҳи минтақадаги қардош мамлакатлар ва халқларни янада яқинлашти-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ» БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли ҳамкасблар! Ҳурматли жаноб Мишель! «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммитининг барча иштирокчиларини яна бир бор қутлайман.

Тадбирни ташкил этгани учун Қозоғистон Республикаси Президенти, ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаев номига билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Биз мазкур форматга амалий ҳамкорликни илгари суриш, ишонч, шериклик ва ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган муҳим мулоқот майдони сифатида қараймиз. Учрашувларимиз мунтазамлик касб этишини қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳурматли саммит қатнашчилари! Пандемия оқибатлари ва замонавий таҳдидларга қарамадан, биз Янги Ўзбекистонда ортга қайтмас тус олган ислохотлар стратегиясини амалга оширишда давом этмокдамиз. Самарали фаолият кўрсатадиган бозор механизмларига, шунингдек, юқори ҳаёт даражаси ва қулай турмуш шароитларига эга кучли ҳуқуқий давлатни барпо этиш бизнинг устувор вазифамиз ҳисобланади.

Марказий Осиё аҳолисининг ярмидан кўпи истиқомат қилаётган Ўзбекистонда бугунги кунда фаол демографик ўсиш кузатишмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг узоқ истиқболдаги барқарор ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор ва қудратли ресурс бўлиб хизмат қилади.

Биз эришган муваффақиятларимиз билан чеklangмаймиз ва янги ўзгаришлар кўламини янада кенгайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Бу ўринда гап, аввало, қонуннинг сўзсиз устуворлиги, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликни, сўз ва эътиқод эркинлигини таъминлаш ҳақида бормоқда.

Биз иқтисодий соҳада бундан буён ҳам тадбиркорлар учун энг қулай шароитларни яратиш, коррупцияга қарши мурасасиз курашиш, рақобат ва инновацион бизнес муҳитининг ривожланишини рағбатлантириш йўлидан борамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мухтарам Президент Мишель, Сизга, барча европалик дўстларимиз ва ҳамкорларимизга саъй-

ҳаракатларимизни доимий қўллаб-қувватлаб келаётганимиз учун самимий миннатдорлик билдирмоқчиман.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Мамлакатимизнинг узоқ муддатли ва изчил тараққиёти бутун Марказий Осиёдаги барқарорлик ва фаровонлик билан чамбарчас боғлиқ эканини биз яхши англаймиз. Айнан шу боис Ўзбекистон яхши кўшничилик ва минтақавий шериклик масаласини қатъий илгари сурмоқда.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит вужудга келди. Бир неча ўн йиллар мобайнида йиғилиб қолган, ҳал этилишига ҳеч ким ишонмай қўйган кўплаб муаммолар бир неча йил давомида бартараф этилди. Ҳамкасбларим қайд этиб ўтганларидек, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам Маслаҳат учрашувларининг самарали механизми яратилди.

Биз, аввало, ўзимиз учун умумминтақа хавфсизлиги ва равнақи йўлида келишув сари қадам қўя олишимизни исботладик.

Жаноб Мишель, Сизга бу ўзгаришларнинг туб моҳиятини тушунишингизда ёрдам

берадиган бир неча мисолларни келтириб ўтсам.

Олти йил олдин бизнинг минтақадаги алоҳида мамлакатлар билан чегараларимиз ёппик эди. Ўзаро савдо амалда ривожланмай қолган, биз иқтисодий ҳамкорларни минтақа ташқарисидан қидирар эдик. Барқарор коммуникация, транспорт қатновлари ва фаол гуманитар алмашинувлар йўқ эди.

Бугун вазият тубдан ўзгарди. Биз визасиз режимни жорий қилдик, барча ўтказиш пунктларини очдик. Авиопарвозлар ва куруқлик орқали ташувларни тикладик ҳамда уларнинг сонини кўпайтирдик. Ўзбекистон ва минтақа мамлакатлари ўртасидаги товар айланмаси 10 баробар ўсди.

Кооперация алоқалари кучайиб бормоқда, йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестиция компаниялари ва бошқа молиявий воситалар фаолияти йўлга қўйилди.

Албатта, минтақада ҳали ҳам ўз ечимини топмаган масалалар бор. Бироқ ишончимиз комилки, бизнинг кучли сиёсий иродамиз ва умумий бунёдкорлик руҳи минта-

қадаги қардош мамлакатлар ва халқларни янада яқинлаштиришга хизмат қилади. Ва мен Европа Иттифоқи ушбу эзгу мақсадларга эришишни қўллаб-қувватлашда давом этишига чин дилдан умид билдираман.

Ҳурматли ҳамкасблар! Биз минтақамизнинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигини қўйидаги устувор йўналишларда изчил чуқурлаштириб бориш тарафдоримиз.

Саммит арасида биз Ўзбекистонда савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги ишлар ҳолатини таҳлил қилдик. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатларимиз «GSP+» имтиёзли савдо тизимига қўшилганидан сўнг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан товар айланмасининг ўсиш суръати бизни қувонтиради. Биргина жорий йилнинг бошидан буён юқори қўшилган қийматли ўзбек маҳсулотларининг экспорти қарийб икки баробар ошди. Бироқ афсуски, умумий рақамлар мавжуд улкан имкониятларга ҳозирча мос келмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 29 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 7 октябрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга тўри келмоқда.

Қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда tutuvchi норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг шакли ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби аҳолига уларни содда тилда тушултириш имкониятини бермаяпти.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 21 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 4 августда маъқулланган

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, ички ишлар органларини фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган чинакам халқчил тизимга айлантириш йўлида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ички ишлар органлари фаолияти тубдан ислох этилди, ушбу соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилди.

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ ИККИ МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 27 октябрь куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган давлат раҳбарларининг «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» форматидagi биринчи мажлисида қатнашди.

Давлатимиз раҳбарининг саммитдаги иштироки ва анжумандаги нутқида илгари сурилган ҳамкорликни ривожлантиришга доир муҳим тақдир ҳамда ташаббуслари халқаро ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил доиралари вакиллари томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

4-саҳифага қаранг.

Халқаро анжуман

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АССАМБЛЕЯ КУЗГИ СЕССИЯСИ ДОИРАСИДАГИ ТАДБИРЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

Аввал хабар берилганидек, айти пайтда Самарқанд шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Парламентлараро Ассамблеяси кузги сессияси бўлиб ўтмоқда.



Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ўтказилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизими тузилмасига бир қанча ўзгаришлар киритилди, шу жумладан айрим раҳбарлик лавозимларининг таснифи ўзгартрилди, шу муносабат билан ички ишлар органлари тизимидаги мазкур раҳбарларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳамда жамоат хавфсизлиги ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳисобдорлигини қонунчиликда белгилаш зарурияти юзага келди.

Ушбу Қонун билан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ва «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Чунончи, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаларининг, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳисоботлар тақдим этиши тартиби киритилмоқда.

Шу билан бирга, туман, шаҳар ички ишлар бўлимларининг бошлиқлари – ҳар чоракда ва уларнинг ўринбосарлари – ҳар ойда, шунингдек маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг профилактика катта инспекторлари – ҳар олти ойда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳисоботлар тақдим этиш тартиби жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ички ишлар органлари тизимида фаолият юритаётган маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг ҳуқуқий мақоми ва асосий вазифаларини белгилаб қўйишга қаратилган қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур Қонун ички ишлар органлари фаолиятининг очиклиги, шунингдек уларнинг фаолиятини халқ вакиллари томонидан назорат қилиб бориш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиб, ички ишлар органларининг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини оширишга ва уларнинг ўзаро фойдалаи ҳамкорлигини кенгайтиришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлиги соҳасида қўрилаётган чоралар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 3, 7, 13-моддалар; 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда) **25²-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

биринчи ва иккинчи қисмлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаларининг, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида, уларнинг ўринбосарлари – Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари жамоат хавфсизлиги ҳақида ҳар чоракда тегишинча халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг

профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳар чоракда, уларнинг ўринбосарлари – Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари жамоат хавфсизлиги ҳақида ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг профилактика катта инспекторлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати тўғрисида ҳар олти ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади»;

учинчи ва тўртинчи қисмлар тегишинча **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисм «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлимлари раҳбарларининг» деган сўзалрдан кейин «маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари профилактика катта инспекторларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи қисм «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлимлари раҳбарларининг» деган сўзалрдан кейин «маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари профилактика катта инспекторларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги 915–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ўРҚ–350-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 9, 588, 591-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **13-модда учинчи қисмининг:**

йигирма иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

йигирма учинчи, йигирма тўртинчи ва йигирма бешинчи хатбошилари тегишинча **йигирма иккинчи, йигирма учинчи ва йигирма тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **14-модда биринчи қисмининг:**

ўн учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

ўн тўртинчи – йигирма биринчи хатбошилари тегишинча **ўн учинчи – йигирманчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар; № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1,

2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 5, 464-модда) **258-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисида**и «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси» деган сўзлар «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «**Ички ишлар органлари тўғрисида**»ги ўРҚ–407-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 588, 591-моддалар, № 10, 674-модда, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 466-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **13-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органларининг тизими Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда хавфсизлигини таъминлаш бошқармалари (бўлимлари), ҳазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг ўта муҳим ва тоифаланган объектлардаги бўлимлари, шаҳарча ички ишлар бўлимлари, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ҳамда ички ишлар органларининг таянч пунктлари, шунингдек таълим ва тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлимлар ва ташкилотлардан иборатдир»;

2) **13¹-модда:**

биринчи ва иккинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қорақлпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаларининг, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида, уларнинг ўринбосарлари – Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари жамоат хавфсизлиги ҳақида ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳар чоракда, уларнинг ўринбосарлари – Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари жамоат хавфсизлиги ҳақида ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг профилактика катта инспекторлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати тўғрисида ҳар олти ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади»;

учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи**

ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **14-модданинг бешинчи қисмида**и «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари – Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлигининг» деган сўзлар «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари бошлиқларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **15-модданинг бешинчи қисмидан** «шунингдек «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари аъзолари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **2-606** қуйидаги мазмундаги **15¹-модда** билан тўлдирилсин:

«15¹-модда. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ички ишлар органларининг фаолиятини беvosита маҳалларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича, шунингдек фуқароларнинг хавфсизлиги ва оsoийшталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг ҳамкорлида ишлашини маҳалларда кесимида ташкил этиш бўйича амалга оширадиган таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ўз фаолиятини қуйидаги таркибда амалга оширади:

профилактика катта инспектори, профилактика инспектори, профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси (ҳар қулиик асосда);

мазкур ҳудудда хизматни ўташ учун бириктирилган туман (шаҳар) ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, пробация бўлимаси инспектори, тезкор вакил, патруль-пост хизмати ходимлари;

жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кўмаклашиш учун юборилган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия бўлимасининг ва бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари, шунингдек жамоат тузилмаларининг вакиллари»;

6) **23-модданинг еттинчи қисмида**и «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва» деган сўзлар «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 9 январда қабул қилинган «**Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида**»ги ўРҚ–420-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 2-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда) **6-моддасининг иккинчи қисмида**и «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси» деган сўзлар «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 27 октябрь
№ ўРҚ–797

Мулоқот

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Самарқанд шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси (МДХ ПА)нинг кузги сессияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши Торағаси Нурланбек Шакиев билан учрашди.

Таъкидланганидек, давлатларимиз раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси ва улар ўртасида ўрнатилган очик, ишончга таянган мулоқот туфайли Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари бугунги кунда юксак даражага кўтарилди.

— Қирғизистон биз учун яқин қўшни, бизни кўп асрлик дўстлик ришталари, умимий тарих, тил, маданият, анъана ва урф-одатларимиз яқинлиги боғлаб турган қардош давлатдир. Биз стратегик шериклик тамойилларига асосланган икки томонлама дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш тарафдоримиз, — деди Н. Исмоилов.

Мулоқотда томонларнинг икки мам-

ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРНИНГ ТАШАББУСЛАРИ ИККИ МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ



Илгар ВЕЛИЗАДЕ,

«Жанубий Кавказ»

сиёсатшунослар клуби

раҳбари (Озарбайжон):

— «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи»

саммити турли халқаро куч марказларининг ушбу минтақага қизиқшини намояён этди. Жорий йил бошида “Марказий Осиё — Хитой”, октябрь ойида “Марказий Осиё — Россия”, сентябрь ойида эса “Марказий Осиё — АҚШ” шаклларидаги ва бошқа саммитлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг минтақадаги марказий ўрни ва мамлакат илгари сурётган долзарб халқаро ташаббусларга бўлган қизиқш Тошкентнинг Марказий Осиё давлатлари ва минтақадан ташқаридаги мамлакатлар ўртасидаги мулоқотдаги аҳамиятини рағбатлантирмоқда ва янада оширмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бош вазир ўринбосарлари даражасида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” Иқтисодий ҳамкорлик қўмитасини ташкил этиш бўйича ташаббуси алоҳида эътиборга лойиқдир. Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуслари икки минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиб, Марказий Осиё — Европа Иттифоқи ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ежи БРИЛЛЬ,

Марказий Осиё бўйича эксперт,

«Польша — Шарқ» уюшмаси президенти, профессор:

— Саммит шаклланаётган янги геосиёсий тизим, дунёнинг етакчи қучларининг сиёсий ва иқтисодий аҳамиятини қайта форматлаш шaroитида бўлиб ўтди. Анжуман биз томондан Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ишонч ва бир-бирига яқинлашшини давом эттиришга бўлган тайёрилик даражасини кўздан кечириш, сиёсат, савдо алоқалари, халқаро ҳуқуқ, кўп ва икки томонлама институтлар ўртасида сўнгги ўн йилликлар давомида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, шериклик ва ҳамкорлик бўйича Марказий Осиё — Европа Иттифоқи институционал шартномалар тузишга эришиш имконияти сифатида қабул қилинмоқда.

Анжуман яқунлари ушбу шакл ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаганини кўрсат-

